

Qishloq hayoti

Депутатлар 2010 йили Баркамол авлод йили

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2010-YIL 2-MART, SESHANBA, 26 (7643) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan Bahosi kellehligan narxda.



Банклар иқтисодий самарали ривожланишининг муҳим механизмларидан. Барча соҳаларнинг банклар томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, қатъий пул-кредит сиёсатини юритиш мамлакатдаги макроиқтисодий барқарорликнинг муҳим шартидир.



Кейинги йилларда бухоролик деҳқонлар уруғлик чигитни туксизлантирган ҳолда, замонавий техникалар ёрдамида экиш бўйича катта тажриба тўплашди. Бу чигитнинг тўлиқ униб чиқиши, уруғликнинг кам миқдорда сарфланиши каби омиллар билан иқтисодий самарасини кўрсатмоқда.



Илмий маълумотлар ҳозирча сардобаларнинг энг қадимгилари IX-X асрларда пайдо бўлганлигини кўрсатмоқда. XVI асрда қарвон йўллари бўйлаб ҳар уч тош (24 чақирим)да сардобали рабоблар жойлашган. Уларнинг географиясини тасвирловчи энг кейинги маълумотлар асосида тузган харитамизда бу тизим жуда сийрак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Б.Ю.Ходиевни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги лавозимига тасдиқлаш тўғрисида

Баходир Юнусович Ходиев Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги лавозимига тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2010 йил 1 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ж.Ғ.Исмоиловни Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси лавозимига тасдиқлаш тўғрисида

Жаҳонгир Фағурович Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси лавозимига тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2010 йил 1 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А.А.Абдуҳақимовни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи лавозимига тасдиқлаш тўғрисида

Азиз Абдуҳақорович Абдуҳақимов Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи лавозимига тасдиқлансин, шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2010 йил 1 март

Кўкдал нарғаси ШИЖОАТНИ ОШИРМОҚДА



Навоий шахрининг Бунёдкор кўргонида тажрибали отахон Мирзоанвар Сирожев ташаббуси билан иссиқхона, лимонария ва боғ ташкил этилди. У раҳбар бўлган "Ади энергия" хусусий корхонасига қарашли ҳўжалиқда помидор, бодринг ва турли кўкатлар етиштирилмоқда.

— Ҳозирча 27 сотих ерда помидор, бодринг ва 23 сотих иссиқхонада лимон етиштиряпмиз, — дейди Мирзоанвар Сирожев. — "Асака" банкнинг Навоий вилояти филиали ажратган 35 миллион сўмлик кредит асосида иш бошладик. Ҳозиргача 6 минг туп Голландия навли помидор, 250 туп лимон кўчати, 6 минг туп манзарали ва 1100 туп мевали кўчатлар ўтказдик. 200 туп арча эдик. Шу билан бирга, 500 туп атиргулни экишга тайёрлапмиз. Агротехник тадбирларни вақтида амалга оширсак, уларнинг бир текис туп олишига эришамиз.

Кўкдалнинг илк кунларида отахон раҳбарлигидаги деҳқонларнинг шижоати янада ошди. Улардаги яратувчилик, яшнатувчилик кайфияти янада гайрат билан ишлашга ундаётди.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

Навоий Вилояти

Кун кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да III Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси фаолият бошлади.

ИСТИҚБОЛГА ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР БИЛАН

Ярмарка Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирилик, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириш мувофиқлаштириш қўмитаси, Фанлар академияси ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилди.

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиши рағбатлантириш бора-бора кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросига қаратилган ушбу аънанавий тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мазкур ярмарка илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини, ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида мустақам кооперацион алоқани ўрнатилиши таъминлаш, инновацион фаолиятни кенгайтириш, бир сўз билан айтганда эса иқтисодийни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётди.

Бунинг биргина мисол: 2008 ва 2009 йилларда ўтказилган ярмарка доирасида 740 та шартнома имзолангани, бугунги кунда улардан 182 таси яқунлангани, 120 таси бўйича фойдаланиш олиб берилаётганлиги ҳам кўриш мумкин. Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, ярмаркада имзоланган шартномаларнинг бажарилиши натижасида 16 номдаги маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқарилиши ташкил этилган, 14 та корхонада янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиши бошланган, 14 та корхонада янги ахборот технологиялари, 24 та корхонада янги технологиялар жорий этилган, 35 дан ортиқ ташкилотларга илмий хизматлар кўрсатилган.

Жорий йилги ярмаркада саноат, қишлоқ ҳўжалиги, фармацевтика, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари, фан ва таълим йўналиши бўйича 120 дан ортиқ илмий-тадқиқот, олий таълим, тажриба-конструкторлик муассасалари, кичик инновация корхоналари ва илмий-тадқиқот марказлари 600 дан ортиқ технология, ишланма ва ғоялари билан қатнашмоқда. Шу жумладан, ёш олим ва талабаларнинг 63 та ҳамда "Келажак овози" республика танлови ғолибларининг 18 та ишланмалари иштирок этмоқда.

Ярмарка павильонларининг саноат қисмида тоғ-кон, металлургия, нефть-газ саноати, пахта-саноат, энгил саноатида ишлатиладиган замонавий технологиялар, ишланмалар ўрин олган. Улар илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари томонидан тақлиф этилмоқда. (Давоми 2-саҳифада)

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Цутому Хироака 1 март кунини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари барча жабҳаларда, жумладан, маданият соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Япония мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни изчил қўллаб-қувватлаб келаётди. Мамлакатларимиз ўртасида маданият соҳасида ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Хусусан, Ўзбекистон-Япония археологик экспедицияси Сурхондарё вилоятининг Қоратепа, Кампиртепа ва Далварзинтепа ҳудудларини тадқиқ қилиш бўйича катта муваффақиятларга эришмоқда.

Музокарада ҳамкорликда ўзаро манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон билан Япония ҳукуматлари ўртасида маданият соҳасида бера-раз ёрдам дастури доирасида Алмашув ноталари имзоланди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрининг овоз, ёритиш, аудиовизуал ускуналарини яхшилаш лойиҳасини амалга ошириш учун 33,2 миллион иен (қарийб 330 минг АҚШ доллари) ажратилди.

Ушбу лойиҳа Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 3 февралда қабул қилинган Япония ҳукуматининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрини махсус жиҳозлар билан таъминлаш учун ажратилган грантидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори асосида амалга оширилади.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганидан мамнунмиз, — деди Цутому Хироака. — Имзоланган ушбу ҳужжат Ўзбекистон билан Япония ўртасида маданият соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

(Ў.А)

САДОҚАТ, ЖАСОРАТ ВА МАТОНАТ МАКТАБИ

АЖДОДЛАР АНЬАНАСINI ДАВОМ ЭТТИРИБ...

Мустақилликнинг илк йилларида юртимизда барча талабаларга жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукамал, замонавий курол-яроғ ва техникага эга миллий армияни барпо этиш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Бугун харбий хизмат нафақат бурч, балки садоқат ва матонат мактабига, том маънодаги "олий шарафга айланди. Харбий хизматни энг шарафли касблардан бирига айлантириш гоёси миллий давлатчилигимиз тарихида ўз асосига эга. Соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг "Темури тузуклари"да "Ҳеч бир сипоҳийнинг хизмати назардан четда қолмасин, чунки улар давлат хизматида бўлиб, боқий ҳаётларини фоний дунё нақди учун аямаганликларининг ўзини инъом ва моддий таъминотда бўлишга лойиқдир", деб таъкидланган.

Одатда, харбий хизмат ҳақида гап



очилса, аксарият ҳолларда мустақиллигимиздан олдин йигитлар имкон қадар армияга бормаслиққа ҳаракат қилгани, ҳозир эса аскар бўлиш учун

соғлом рақобат юзага келгани айтилади. Зеро, миллий армиямизни барпо этиш мустақиллигини қўлга киритиш тарихи билан узвий боғлиқдир.

ЭЪТИБОР, ҚАДР ВА РАҒБАТ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Куролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида миллий армиямиз юртимиз ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз хавфсизлигининг ишончли қафолатига айланди.

"Агарки мендан, янги армиянинг эски армиядан фарқи нимада, деб сўраса, харбий қурилиш соҳасида амалга оширилаётган мулқат принципал ўзгаришлар, мақсад ва вазирлар билан бир қаторда Куролли Кучларимизда ҳукм сураётган соғлом муҳит, тартиб-интизом, ўзаро ҳурмат, янада аниқроқ айтганда бўлса, машаққатли синовлар, харбий машғулотларнинг оғир юкни елкасида кўтариб юрган оддий аскар ва сержантларга бўлган эътибор ва эҳтирорда, деб айтган бўлардим", деб таъкидлайди Юртбошимиз.

(Давоми 2-саҳифада)

Куннинг муҳим воқеалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов 26 февраль кунини "Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фондини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорга имзо чекди.

Фарғона вилояти Охунбоев туманидаги транспорт ва йўл қурилиш коллежиди "Баркамол авлод мактаб-муноси" очилди. Мактаб мактабларнинг юқори синфлари, лицей ва коллеж ўқувчилари, маҳаллалардаги ёшларнинг илмий, техникавий, бадиий қобилиятини ривожлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўйбга чикариш, савиятга ва бадиий ижодга қизиқтирилари рағбатлантириш, ўқишдан бўш пайтани мазмунли ўтказишга хизмат қилади.

Пойтахтимиздаги 22-Меҳрибонлик уйида "Келажакимиз ворислари" мавзусида бўлиб ўтган кечда савияткорлар, фольклор-этнографик жамоалар, ёш ижроклар иштирокидаги концерт намойиш этилди. Тура Кўрэзов раҳбарлигидаги "Жайқун" халқ кўйирчоқ театри ва Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти талабалари томонидан тайёрланган спектакллардан савият кўринишлари намойиш этилди.

Qishloq hayoti
Кўшмак хабар

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агроекономика комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, "Ерғодезакадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагрорсуғурта", "Ўзвиробсаноат-ҳолдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоққўжалиқчилик" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ег-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер ҳўжалиқлари, "Ўзагрормашсервис", "Ўзгўштсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агроекономика ҳодимлари касаб уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Тошкент Вилояти

ҚВП шифокорига аталган уй-жой

Бўқа тумани соғлиқни сақлаш бўлимида бўлиб ўтган шифокорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши оdatдагидан бошқачароқ ўтди.

— Шунча йил мана шу даргоҳда ишлаб, бунга қасини кўрмагандим, — дея ҳамкасбига юзланди Ачамайли қишлоқ врачлик пункти шифокори Гулдан опа, йиғилиш залидан чиқаётди.

— Бошқа жойларда қандай экан билмадим-у, бироқ туманимизда шифокорга уй қуриб беришибди, деганларини ҳали эшитмагандим, — деб унинг фикрига қўшилди ҳамшира Муҳаббатхон...

Маъмуриятнинг бундай тўхтамга келишига сабаблар бор: сўнгги бир йиллик таъхиллар натижаси Ровотак қўрғонидagi ҚВПда мутахассислар қўним топмаётганлигини кўрсатди. Келиб-кетувчиларнинг барчаси уй-жойнинг йўқлиги ва марказдан қатнаб ишлаш оқилолигини рўқча қилишарди. Ана шунинг оқибатида кўпгина беморлар оддий хасталикни даволатиш учун ҳам 20-25 километр йўл босиб марказий шифохонага келишга мажбур эди. Жорий йил бошидан бу масала узил-кесил ҳал этилди: етарлича маблағ ажратилиб, ҚВП шифокори учун замонавий уй-жой

қурилишига киришилди. Эндиликда мавжуд 15 та қишлоқ врачлик пунктларининг барчасини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда бу жойларда меҳнат қилаётган мутахассисларга шароитлар яратишга ҳам эътибор кўраётганликда. Масалан, йил бошидан Дўстқўрғон, Ойбек, Ғ.Азаматов, Ачамайли каби ҚВПлари зарур жиҳозлар билан таъминлашга киришилди. 4 та пунктда эса таъмирлаш ва қайта реконструкциялаш ишлари бошлаб юборилди. Асосий эътибор Баркамол авлод йилида оналик ва болаликни му-

хофазалаш, қишлоқлар аҳолиси ўртасида репродуктив саломатликни шакллантиришга қаратилганда. Туғиш ёшидаги аёллар рўйхатга олиниб, уларда аниқланган касалликлар бўйича даволаш ишлари бошлаб юборилди. Дастлабки кунларда қўним шу масалага эътибор қаратилганлигини боиси бор: ўтган йили аёллар, айниқса, туғиш ёшидагилар назоратдан ўтказилганида уларнинг 61,2 фоизда камқонлик, юрак-қон томири, эндокрин, буйрак тизими хасталиклари мавжудлиги аниқланган. Ҳозирда қўним чора-тадбирлар туғиш ва беморларнинг асарияти соғломлаштирилди. Хасталикларга батамом барҳам берилди, деб бўлмади.

— Марказий шифохона таркибидан турли соҳа мутахассисларидан иборат гуруҳлар тузилган. Улар ҳар кун қишлоқларда, хондонларда бўлибди, ўша жойнинг ўзида касалликларни аниқлашди, — дейди туман соғлиқни сақлаш бўлими бош шифокори Ҳикмат Вахобов. — Бундан ташқари, маҳалларда, қозғоқларда "Соғлом она, соғлом фарзанд", "Соғ танда соғ ақл" каби бир қатор мавзуларда уярашув ҳамда мулоқотлар ўтказилди.

— Яқинда шундай бир ҳолат бўлди, — дея таъкидлайди у, — ҳомиладор аёлни қабул бўлимига олиб келишганида унинг аҳолига аниқ оғир эди. Ташхис яна ўша эски дард — камқонлик ва оилада тиббиётга қатъий риоя этилмаганини кўрсатди. Она ва бола саломатлигини сақлаш учун барча оёққа турди. Замонавий тиббиёт муолажаси қўлланилди. Бола соғлом туғилиб, онаси дарддан фориғ бўлди.

Айнан шу масалада тушунтириш ишлари олиб борилгани билан, ота ва она масъулиятини ҳис этмасга қийин экан. Шу боисдан марказий шифохона қошидаги туғуруқхонада олти ой олдин битта тажрибани кўлладик: яъни фарзанд кутаётган онани туғишга тайёрлаш жараёнида унинг умр йўлдоши ҳам ёнида туради, барчасини ўз кўзи билан кўради. Турри, бу иш эркак киши учун унчалик қўлай бўлмасда, аммо бўлажақ ота ўз оиласи ва фарзанди келажаги учун масъулиятини янада чуқурроқ ҳис қилишига имкон яратди.


"Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган йўл-йўриқлар туман шифокорларининг асосий дастуриламалига айланган. Жумладан, болаликдан ногирон,

уруш қатнашчилари, Чернобыль АЭСи ҳамда Афғон уруши иштирокчилари ва кам таъминланган оилаларга тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш бўйича алоҳида йўриқномалар ишлаб чиқилган. Масалан, 114 нафар ногирон боланинг 84 нафари мактаб қошидаги алоҳида синфда, 30 нафари эса уйда тахсил олади. Уларнинг барчасига малакали шифокорлар бириктирилиб, тез-тез аҳолидан хабардор бўлиб турилибди, етарлича дори-дармон ажратилапти.

Яна бир жиҳати: бир неча йиллардан бундан туман аҳолиси четдан олиб келинаётган дори-дармонга эҳтиёж сезмайди. Сабаби, марказий шифохонага мутахассислар жалб этилиб, 45 хилдан ортиқ зарур маҳсулотлар шу жойнинг ўзида тайёрланапти. Унинг афзалликлари кўп. Биринчидан, нисбатан анча арзон ва зарур пайтда бемор ўзи учун керакли малҳамни кидириб, дори-дармонга юрмайди. Чунки ҳар бир бўлимда дори-дармон захираси яратилган. Қишлоқ врачлик пунктларига эса талаб асосида етказиб берилаёттир.

Бир сўз билан айтганда, туман шифокорларининг одамлар саломатлигини муҳофазалаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари эътиборга молик. Келгусидаги режалари эса янада бисёр бўлиб, уларнинг барчаси инсон соғлигини сақлашга қаратилган.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.



Хондондаги яширин "дорихона"

Республикамиз божхоначилари томонидан дори-дармон воситаларининг ноқонуний олиб ўтилишига қарши қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Тошкент туманидаги айланма йўллардан бирида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари кўриб қолган қонунбузар ёнидаги юкларни ташлаб, "кўён" бўлади. Қондилрилган юклар эса юртимизга яширин равишда олиб кирилган, қиймати салкам 3.7 млн. сўмлик 23 турдаги 1364 дона дори-дармон воситалари бўлиб чиқди.

Андижон вилояти божхоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар вакиллари фуқаро О.Мадраҳимовнинг қилмишларига нукта қўйишди. Булоқбоши туманининг чегарадош ҳудудларида қонунбузар бошқарувидаги "Нексия" автомобили божхона кўригидан ўтказилганда 18 турдаги 3 миң донага яқин фармацевтика маҳсулотлари яширин равишда юртимизга олиб кирилатганлиги фош этилди. Сифати кафолатланмаган ушбу дори-дармонларнинг умумий қиймати салкам 4.7 млн. сўмлик аниқланди.

Тошкент туманида фуқаро З.Мираҳмедовнинг хондонни ҳам қонунчиликда белгиланган тартибда кўздан кечирилганда, у ерда "Фарингосепт", "Мультибакс", "Оксалин", "Актовиген", "Изотепин" каби жами 73 турдаги дори-дармон воситалари яширин равишда сақланаётганлиги аён бўлди. Қиймати 23 млн. сўмдан ортиқ мазкур 4256 дона дори воситалари ноқонуний равишда қўшни давлатдан юртимизга олиб кирилган экан.

Хоразм вилояти божхоначилари ҳам хорижда ишлаб чиқарилган, аммо божхона расмийлаштирувни тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган йирик миқдордаги дори-дармон воситалари яширилган "нукта" ни фош этишди. Урганч шаҳридаги дори-дармонлардан бири қонунчиликка мувофиқ кўздан кечирилганда у ерда, 65 турдаги 7721 қути дори-дармон воситалари ноқонуний равишда сақланаётганлиги аён бўлди. Фуқаро К.Қурбановга тегишли ушбу фармацевтик маҳсулотларнинг умумий қиймати 17.5 млн. сўмни ташкил қилиши маълум бўлди.

Хозирда ушбу ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, ўтган 2009 йилда божхоначиларимиз томонидан аниқланган 199 та ҳолатда қиймати 631.7 млн. сўмлик дори-дармон воситаларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати

Бухоро Вилояти

Бу йил Бухоро вилоятида 109 миң 600 гектар майдоннинг 57 миң 469 гектарига "Бухоро-6", 42 миң 500 гектарига "Бухоро-8", 8 миң 495 гектарига "Бухоро-102" пахта наваларини экиш режалаштирилган. Бундан ташқари, 1696 гектар майдонда янги — "Жондор Қудрат" номли гўза уруғи экилади.

УРУҒЛИКНИНГ САРАСИ — ҲОСИЛНИНГ БАРАКАСИ

Жорий йилда вилоят бўйича 5032 тоннадан ортиқ уруғлик чигит тайёрлаш режалаштирилган. Айни кунгача пахта заводларида уруғлик пахтани тозалаш ишлари тўлиқ низоғига етказилди. Кейинги йилларда бухоролик давқонлар уруғлик чигитни туқсизлантирган ҳолда, замонавий техникалар ёрдамида экиш бўйича катта тажриба тўплашди. Бу чигитнинг тўлиқ уним чиқishi, уруғликнинг кам миқдорда сарфланиши каби омиллар билан иқтисодий самарасини кўрсатмоқда.

Хозирда вилоятдаги уруғлик чигит тайёрлаш иқтисодлашган "Бухоро пахта уруғчилиги" МЧЖ ва "Карвон" қўшма корхонасида уруғлик чигитни туқсизлантириш, дориллаш, қадоқлаш ва сақлаш борасида қизғин иш олиб борилмоқда. — Бирлашмави мутахассисларнинг асосий меҳнат жараёни далада кечади. Янада соддаркор қилиб айтсам, уруғликни танлаш даладан бошланади, — дейди Бухоро вилояти гўза уруғчилиги бўлими бошқаруви раҳбари Фарҳод Отамуродов. — Дастлаб, уруғлик чигит экиладиган экин майдонларини танлаймиз. Сўнгра танлов асосида уруғчиликка ихтисослашган фермер ҳўжаликлари сараланади. Уруғлик чигит ерга қадалган кўндан бошлаб мутахассисларимиз фермер ҳўжалиги аъзолари билан тенгма-тенг туриб иш олиб боришади. Зеро, экинни парварилаш билан боғлиқ агротехник тадбирларнинг тўғри ва ўз вақтида ўтказилиши уруғликнинг сифатли бўлишини таъминлайди.

Бирлашма тасарруфида 6 та элита уруғчилик ҳўжаликлари мавжуд. Бу ҳўжаликлар зарур техника воситалари, керакли асбоб-ускуналар ва малакали мутахассис ходимлар билан тўлиқ таъминланган. Мазкур ҳўжаликларда дастлабки элита уруғчиликни етказиб бериш, вилоятда экиладиган наваларни янгилаб бериш ва тасвия этилаётган янги наваларни синовдан ўтказиш ишлари олиб борилади. Бир сўз билан айтганда, бирлашма мутахассислари вилоят пахтакорларини сифатли уруғлик билан таъминлаш борасида астойдил меҳнат қилишаёттир.

Ҳамроз АЛИ, "Qishloq hayoti" мухбири.

АҲОЛИ ЧОРВАСИГА СИФАТЛИ ХИЗМАТ

ҒАРФОНА ВИЛОЯТИ ветеринария бошқармаси Бешарик тумани бўлимига қарашли Рапқон хизмат кўрсатиш шохобчасида олий маълумотли ветеринария врачлари Тўлқин Қурбанов фаолият кўрсатади. Чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш, улар сонини кўпайтириш, аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга Тўлқин Қурбанов ҳам муносиб улуш қўшаёттир.

— Оилалардаги қорамоллар сонини кўпайди, ҳўжаликлар ривожланиб, аҳолининг гўшт, сут, тухум маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари қондирилмоқда. Буни биргина Рапқон қишлоғи мисолида кўриш мумкин, — дейди Тўлқин Қурбанов. — Худудимизда 2 та қишлоқ фуқаролар йиғини бўлиб, унда 16 та қишлоқ жойлашган. 37 миңдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Ҳуқуқатимиз томонидан берилётган имтиёз ва имкониятлар эвазига қишлоғимиз аҳолисида чорва туёқлари, қорамол-

лар, паррандалар кўпайди. Ҳозирга келиб 6600 та майда шохли қўй-эчки, 11000 та йирик шохли қорамол, 6000 та парранда боқилмоқда. Албатта, буларни касалликка қарши ўз вақтида эмлаш, касалликка чалинганларини даволаш, тушунтириш, тарғибот ишларини олиб бориш ветеринария мутахассисларининг вазифасидир. Рапқон деҳқон бозори қошида хусусий ветеринария дорихонаси ташкил этдик. Эндиликда аҳолимиз туман марказига дори



СУРАТДА: Рапқон ветеринария пункти мудирини Тўлқин Қурбанов иш вақтида.

қидириб бормади. Сунъий урчишига алоҳида эътибор берамиз. Бу жараёнда мунтазам таъминот йўлга қўйилган.

Чорвачилик ва паррандачилик ривожланиётганлиги биз — ветеринария ходимларига ҳам хизмат турларини кўпайтириш,

сифатини яхшилаш масъулиятини юклайди. **Турғунбек МАҲКАМЗОДА** олган сурат.

Агросуғурта фермернинг ишончли ҳамкори



Кундалик ҳаётимизда баъзан рўй берадиган қўтималарни ҳодисалар, об-ҳавонинг ноқулай келиши суғурта хизматига эҳтиёжини туғдиради. Сўнгги йилларда жаҳон тажрибасидаги каби бизда ҳам суғурта тизими такомиллашди борапти. Бунинг "Ўзагросуғурта" Давлат акциядорлик компанияси фаолиятидаги ишхотларда кўриш мумкин. Айримлар бу масалага етарли эътибор беришмайди. Натижада қўтималар бахтсиз ҳодисалар, мулкнинг йўқолишлар рўй берганда кўмакчилар қандай зарур эканлигини ҳис қилишади.

— Мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий негизини қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, бизнинг хизматга эҳтиёж ортиб бораётганлиги аён бўлади, — дейди "Ўзагросуғурта" Давлат акциядорлик суғурта компаниясининг Жиззах вилояти директори Я.Амиров. — Деҳқонларимиз йил давомида пахта, гўла ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш

мақсадида астойдил тер тўкишади. 2009 йили олиб борилган ишлар натижасида суғуртанинг барча турларидан келиб тушган бадаллар 976501,2 миң сўмни ташкил этди. Жумладан, Арнасой тумани бўйича 9454 миң сўм, Зомин туманида эса 110159,8 миң сўмни ташкил этди. Қишлоқ ҳўжалик корхоналарининг пахтадан кам ҳосил олиши натижа-сида қўрайдиган молиявий зарарини суғурталаш бўйича келиб тушган су-

ғурта муқофоти 332439 миң сўмни ташкил этди. Кўриниб турибдики, қишлоқ ҳўжалик экинларидан кам ҳосил ундирилган йилда ҳўжаликлар зарар кўриши мумкин. Бу пайтда уларга агросуғуртачилар кўмақдош бўлишади. Бозор иқтисодиёти шароитида техника воситаларини бошқариш, сақлаш, ундан фойдаланиш муносабатлари тақомиллашди борапти. Транспорту воситалари эгаларининг

фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, амалиётда жорий этила бошлагач, ушбу хизмат ходимларининг фаолияти янада кенгайди. Ўтган йилнинг ўзида биргина жисмоний шахсларга авто-транспорт ҳодисалари оқибатида қўрилган зарарини қоплаш учун 55688 миң сўмлик тўловлар тўлаб берилди. Фалловрол, Баҳмал туманларида бу борада суғурта миқдорларига кенг қўламда ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга, аҳоли мулкни суғурталаш, бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт бўйича суғурталаш борасида ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. — Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир суғуртачи ўзининг қамрови кенг бўлишини истаydi, — дейди

Жиззах Вилояти

директор ўринбосари Нурилла Абдумаликов. — Шу билан бирга, ваъдага вафо қилиш, шартнома шартини адо этиш энг муҳим масала ҳисобланади. 2009 йили бизга миқдор бўлган қўн сонли фермерларимизга мададкор бўлдик. Вилоят миқбосида 123 та шартнома бўйича 31901,5 миң сўм тўлаб берилди. Масалан, Жиззах туманидаги "Элбек Эрдон" фермер ҳўжалигига 2921,8 миң, "Иктивёр Носиров" фермер ҳўжалигига 2655,8 миң, Зарбон туманидаги "Шермухаммад" фермер ҳўжалигига 3276,4 миң сўм маблағ тўланди. Президентимиз, республика ҳуқуқати томонидан суғурта соҳасида ишхотлар изчил олиб борилапти. Тизимда компьютер техникалари кенг жорий этилиши, суғурта турларининг кўпайиши, ҳозиржавоблик билан иш тутиш суғуртачилардан ҳам доимий изланишни талаб қилади. Зотан, агросуғуртачилар ўз миқдорларига кафолатли хизмат кўрсатишга интилоқдалар. **Улғубек ЖУМАЕВ,** "Qishloq hayoti" мухбири.

Сурғарё Вилояти

ҚўшМА КОРХОНА МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТГА

Янгиер шаҳридаги "Мос-Янтекс" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида маҳаллий ҳўжаликчи фермерларнинг ишлаб чиқариши ҳам бир ярим бараварга ўсди ва 25 та ички ўрни яратилди. Шунинг эътиборлики, унинг маҳсулотлари фақат ички бозорни тўлдирибгина қолмай, хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Чўнқон, 2008 йилда 488 миң АҚШ доллари миқдоридagi трикотаж маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, ўтган йили унинг ҳажми 716 миң АҚШ долларига етказилди. Жамоанинг Баркамол авлод йилида белгиланган режалари янада юксак: Россияга 774 миң АҚШ доллари ҳажмида маҳсулотлар етказиб беришга бел боғлашган. Жамоанинг узоқдан эмас, Янгиер шаҳридаги "Кармента-Янтекс" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида олинатганлиги бу ерда сифатли, арзон ва харидорнинг маҳсулот ишлаб чиқарилишига кенг имкон яратмоқда.

ЁШ КАДРЛАР ЎҚУВИ

Гулистон давлат университетидagi Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қиришчи академиясида Сурғарё вилоятидан 2010-2011 ўқув йилларида ўқини истагиди бўлган ёш номзодларнинг ўн қуллик ўқув машғулотлари низоғига етди. Вилоят ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида самарали меҳнат қилаётган ёш, изланувчан кадрлар таниқли олимлардан маърузалар эшитиб, тест синовларида ўз bilimларини синаб кўрди. Ундан муваффақиятли ўтган тилловчиларга академиянинг қирғиз илтиҳонларига йўланма қилинди. **Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ-1. Тошкент вилояти, Янгиёул шаҳридаги 150 ўқувчи ўринли 11-сонли мусиқа ва сўнғат мактабининг капитал реконструкция қилиш. Бошланғич нархи: ҚҚС билан — 849 996 308 сўм, ҚҚСиз — 708 330 256 сўм. Қурилиш муддати 6 ой.

ЛОТ-2. Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги 150 ўқувчи ўринли 13-сонли мусиқа ва сўнғат мактабининг капитал реконструкция қилиш. Бошланғич нархи: ҚҚС билан — 749 906 106 сўм, ҚҚСиз — 624 921 755 сўм. Қурилиш муддати 6 ой.

ЛОТ-3. Тошкент вилояти, Бекабод шаҳридаги 150 ўқувчи ўринли 11-сонли мусиқа ва сўнғат мактабининг капитал реконструкция қилиш. Бошланғич нархи: ҚҚС билан — 996 617 555 сўм, ҚҚСиз — 830 514 629 сўм. Қурилиш муддати 6 ой.

Қурилиш ишлари: Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент вилоят ҳокимлиги "Тошқонсалтингстройторг" давлат корхонаси.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри Амир Темур кўчаси 19-уй. Тел: 233-89-95.

Талабдор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камиди 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларнинг ёки қўсимта ётилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш

иншоотларда ишланганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лавқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида иштирок этаётган маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотларининг танлов тақлифини баҳолашда маҳаллий қурувчилар учун қуйидаги нарх интёвалари қўлланилади: танлов тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифи иштирокчилари томонидан кўрсатилган четдан келтирилган ишлар (хизматлар) ва шунга асосан ишлар (хизматлар)ни олиб кираувчилар қонунчиликка қўра қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади, кўрсатилган солиқ бўйича нархи ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва тан-

лов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўрловнома билан савдо ташкилотчиси — Тошкент вилоят ҳокимлиги "Тошқонсалтингстройторг" давлат корхонасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри А.Навоий кўчаси 18-уй, 308,311 хоналар. тел: 241-15-26, 241-15-32.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплами қиймати — 120.000 (бир юз йигирма миң) сўм.

Тақлифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги мuddати офёрталар очилиш кунини соатигача.

Тақлифлар (офёрталар) очилиши, матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб камиди 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Тошкент шаҳри Амир Темур кўчаси 19-уй.

Акциядорлар диққатига!

"Косон ДМҚК" масъулияти чекланган жамиятининг 2009 йил якунига бағишланган умумий йиғилиши 2010 йил 1 апрель кунини соат 14.00 да жамиятнинг маъмурий биносиди ўтказилади.

Жамиятнинг умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:


1. Бошқарувнинг 2009 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти бўйича ҳисоботи ва йиллик бизнес режанинг бажарилиши.
2. Жамиятнинг 2009 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти тўғрисида ташқи аудит ҳулосаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
3. Жамият тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг бухгалтерия баланси ва 2009 йил давомидаги фойда ва зарарлари тўғрисидаги йиллик ҳисоботи ва уни тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2009 йил якуни бўйича олган фойдасини тақсимлаш ва унинг миқдорини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2010 йил учун тузилган бизнес режасини тасдиқлаш.
7. Жамият бошқарув кенгашига ўзгартиришлар киритиш ва унинг янги таркибини қайта сайлаш.
8. Ташқи аудитини белгилаш.
9. "Ердэмчи мўддалик" ташкил қилиш тўғрисида.
10. Жамият маъмулий ўзгартириш тўғрисида.

Умумий йиғилишга сабабсиз келмаган ёки келишни хошламаган, ишончнома билан вакиллари ибормаган таъсисчилар акциядорларнинг йиғилишига тўсқинлик қиладиган иштирокчилар сифатида тегишли қонунларга асосан жамият таъсисчилари рўйхатидан чиқариб ташланади.

"Косон ДМҚК" МЧЖ Бошқаруви кенгаши

Тел./факс: 8-375-592-14-38. Тел.: 8-375-275-70-06. Манзил: Қашқадарь вилояти Косон шаҳри Темур йўли шох бекати.

Юртимизнинг табиий иқлим шароити деҳқончиликда ва аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда қатор муаммоларни юзага келтирган. Бу ҳол ирригация тизимлари ривожланмаган даврда, айниқса, муҳим аҳамият касб этган. Ана шундай шароит замирида шаклланган қориз, ҳовуз ва қулфакли ҳовуз каби тарихий сув манбалари бу ҳолатни бартараф этиш учун хизмат қилган. Жумладан, бир сардоба ўртача 200 м³ сув тўлай олишини ҳисобга олсак, уларнинг аҳолини чўчқ суви билан таъминлашда нақадар катта аҳамиятга эга бўлганлигини яққол тасаввур этиш мумкин. Илмий маълумотлар ҳозирча сардобаларнинг энг қадимгилари IX-X асрларда пайдо бўлганини кўрсатмоқда. XVI асрда қарвон йўллари бўйлаб ҳар уч тош (24 қақирим)да сардобали работлар жойлашган. Уларнинг географиясини тасвирловчи энг кейинги маълумотлар асосида тузган харитамизда бу тизим жуда сийрак. Демак, қадимий сардобаларнинг аксарияти ҳали харобалар тағида ётибди. Бу эса янада қадимий сардобалар борлигига ишоради.



“Гидрогеология ва инженерлик технологияси” илмий-тадқиқот институти илмий хайъати тавсияси билан Низомий номдаги ТДПУ ўқитувчиси, геология-минералогия фанлари номзоди Асрор Низомовнинг “Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари географияси” номли китоби нашр этилди. Ушбу монографик асар ўлкамизда илгаридан мавжуд бўлган сув муаммосини асрлар давомида шаклланган усуллар асосида бартараф этишнинг турли йўллари, нобҳ қурилмалар ҳақида бўлиб, асар чўчқ суви муаммоси йилдан-йилга авж олаётган бир даврда катта илмий ҳамда амалий аҳамият касб этди. Куйида муаллифнинг ушбу мавзуга доир мақоласи ҳавола этилмоқда.

ёзма ёки ашёвий далиллар орқали узуқ-юлуқ ўрғанилган. **Янги сардобалар.** XIX аср охирида бундай этилган, қурилиш жараёни, техникаси ва фаолияти яхши ўрғанилган сардобалар. Масалан, 1890 йили Қасби туманидаги Камаш қишлоғида Эшқул хожи ўн маблага ҳисобига қурдирган сардоба шу туркумга кириди.

Сардобалар тўйиниш манбаига кўра уч гуруҳга бўлинади: **Табиий тўйинувчи сардобалар.** Улар қор-ёғир, булқ сувни ҳисобига тўйинади. Аксарияти айнавий гуруҳга оид бўлган бундай сардобалар учун чўл худудларида атрофи баландроқ, пастькам жойлар танланган бўлиб, қор-ёғир суви ўз-ўзидан сардоба ҳовузини тўлдирди. Шунингдек, Ангрэн атрофидаги Қайнар ёки Бухородаги Эшон имло сардобалари каби тўғридан-тўғри булқлар устига қурилган сардобалар ҳам бундай.

Сунъий тўйинувчи сардобалар. Қудуқ, қориз, дарё, арик суви ҳисобига тўйинади. Шулардан бири Амударё бўйидаги Қизқалъа Қўрғонида жойлашган. Қувурлар орқали олиб ке-

линг дарё суви қудуқли қўрғон минорасига қуйилган. Қудуққа тўпланган суви унинг қорб тарафида алоҳида-алоҳида жойлашган бешта усти гумбазсимон шаклда ёпил-

сабаб ва қонунияти яққол аён бўлади. Масалан, қориз, булқ сувидан тўйинувчи сардобалар ҳовузининг сатҳига, аксарият ҳолларда, пишиқ гишт ётқизилган. Аммо таркибиде маъданлар миқдоран юқори бўлган грунт суви чўл ботикларида юзага ақин ҳаракатланиши сабабли ётқизилган пишиқ гишт ва иморат пойдеворларини емириб, йирилган сув сифатини бузиб юборган. Шу боис, ҳовуз сатҳига дастлаб мол териси тўшаб, сўнгра пишиқ гишт ётқизилган. Бундай ўзига хос ҳовузли сардобалар қор-ёғир сувидан тўйинувчи гуруҳга мансубдир. Сизилиш миқдори кўчи бўлган қумқоқ худудларда кўпроқ қор-ёғир, қаналарик сувидан тўйинувчи сардобалар қурилган бўлиб, йирилган сув тезда шимилиб кетмаслиги учун ҳовуз тубига дастлаб қамшидан тўқилган бўйра тўшалиб, майда сомонли лой, баззи ҳолларда, туя юнги аралаш лой қоричмаси билан суваб чиқилган, устидан пишиқ гишт ётқизилган. Акс ҳолда, Толимаржон сардобасидаги каби сув узоқ мудат сақланмасдан ерга шимилиб кетаверган. Табиийки, қудуқ

ган, гирди пишиқ гишдан ишланган ҳовузоларга ўтказилган. Қориздан тўйинувчи туркумга Саброн атрофидаги Мир араб сардобаси мисол бўлади.

Аралаш тўйинувчи сардобалар. Қор-ёғир, арик, қайир суви ҳисобига тўйинади. Кўпроқ дарё қайирлари, суғорма деҳқончилик қилинадиган қудуқларга ақин жойлашган. Мирзачўлдаги Жикка сардоба, Қаршидаги Бехбудий сардобаси шу туркумдан.

Сардобалар шу тасниф асосида ўрғанилса, иншоотнинг геоморфологик ўрнини танлаш, ҳовузнинг қурилиш тартибидеги айрим фарқлар, ҳаво алмаштирувчи тизимининг (гумбазининг) тизилиши, ёнлама ва юқори тўйнуқларнинг жойлашиши ва сардоба мажмуи шаклидаги айрим фарқларнинг

сувидан тўйинувчи сардобаларда бундай қўшимча ташвишларга ҳолат қолмаган. Чўки Исфандуда каби сардоба ҳовузининг чўқурлиги 20 метрни ташкил этиб, у ер ости суви билан бевосита алоқада бўлган. Сардобалар қурилиши тартибини синчиклаб кўздан кечирар экансиз, уларнинг илк вазифаси суви буғланиб кетишдан ҳимоя қилиш бўлса, иккинчиси, тозалikka рия қилишдан иборат эканлигини илғаб олиш мумкин. Дарҳақиқат, сардоба ичкарига мол, от-улов қўйилмаган, улар ун сардоба ҳовузидан ташқарида ёғоч ёки тошдан (Работи Малик) сув қуйиладиган охура ясалган. Сардоба ҳовузига ботириш учун махсус идиш бўлган.

Ҳозир тоғли ўлкалардагина сақланиб қолган тағанақ маросими қадимда чўл худудларида ҳам оммавий тус олган бўлиб, ҳашар йўли билан ҳар йили бир маротаба лойқа тозалаш сардоба ҳовузлирида сувининг аёло сифатлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этар эди.

Сардобалар XX аср бошларидан бошлаб таназзулга учради. Бунинг бош сабабларидан бири қоризим истибодида даврида тарихий обидаларнинг кўп қисми бузиб ташланди. Масалан, 1866 йили Бухоро амири чор армиясини сувсиз қолдирish учун Мирзачўлдаги Яқкасардоба ҳовузини қум билан қумиб ташлашни буюрган. Шунингдек, XIX аср охири — XX аср бошларида қурилган темир йўллар сардобалар тизимини ташкил этган қарвон йўлларининг қатновини қаматирди. Яна чўлларнинг ўзлаштирилиши туфайли ер ости суви тизими ўзгарди.

Сардобаларга ҳозир ҳам эҳтиёт бор. Зеро, бу антиқа иншоотлар ўлкамизнинг барча сув танқис худудларида замонавий сувлиқлар ўрнини ўтатиш мумкин. Бунинг учун сардоба қуриладиган нуктани тўғри танлаш ҳамда унинг замонавий — модернизациялаш лойиҳа асосида бунёд этилган намуналарини синиб қуриш вақти аллақачон етиб келди.

Асрор НИЗОМОВ, геология-минералогия фанлари номзоди.



XXI қишки олимпиада ўйинлари якунланди

Канаданинг Ванкувер шаҳрида 17 кун давом этган қишки олимпиада ўйинлари якунланди. “Би Си Плейс” стадионида ўтказилган концерт дастуридан иборат ёпилиш маросимига 60 минг томошабин ташриф буюрди.

Бу галги қишки олимпиада ўйинлари иштирокчилари, томошабинлар сони ва бир қанча бошқа кўрсаткичлари бўйича рекордларни янгилади. Хусусан, мусобақада 82 давлатдан 26 000дан ортиқ спортчи қатнашди. Мусобақага 1 миллион 600 минг билет сотилгани ҳолда 10 мингга яқин оммавий ахборот воситалари ходимлари фаолият кўрсатди, 3,5 миллиардга яқин телетомошабинлар олимпиада ўйинларини бевосита ойнаи жаҳон орқали кузатиб борди.



Мусобақа натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни мезбонлар — Канада терма жамоаси кўлга киритди. Уларнинг ҳисобида мағлуб эдилар. Бу билан Канада хоккейчилари саккиз карра олимпиада чемпиониға айландилар.

Иккинчи ўринни 10 та олтин, 13 та кумуш, 7 та бронза медалларига эга бўлган Германия олимпиада терма жамоаси эгаллади.

АҚШ терма жамоаси жамаи кўлга киритилган медаллар сони бўйича энг кўп — 37 та медалга эга бўлса-да, медалларининг “сифати” бўйича орқада қолди ва 9 та олтин, 15 та кумуш, 13 та бронза медали билан учинчи ўринни эгаллади. Худди шунча олтин медалга эга бўлган Норвегия олимпиада чемпиониға айланган бўлиб, 8 та кумуш, 6 та бронза медаллари билан умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни банд этди. Спорт мусобақаларида етакчи ўринларни банд этишга ўрганиб қолган Хитой 7-орин билан кифояланди.



Ёпилиш маросимидан сўнг олимпиада ўйинлари машъаласи ўчирилиб, олимпиа байроғи Россияга топширилди. Эслатиб ўтаимиз, 2014 йилги қишки олимпиада ўйинлари Россиянинг Сочи шаҳрида бўлиб ўтади.

Таэквондочиларимиз муваффақият қозонди

Лас-Вегас шаҳрида таэквондо бўйича АҚШ чиққ чемпионати якуниға етди. Мазкур турнир Халқаро таэквондо федерацияси (WTF) мусобақалари таснифиде энг нуфузлиларидан ҳисобланади.



Ушбу турнирда ўзбекистонлик спортчилар ҳам муносиб иштирок этди. Евгения Каримова финалда мезбон Миранда Хиричига имкониятни боз берди ва 68 килограмм вазн тоифасида кумуш медалга сазовор бўлди. Худди шу вазн тоифасида иштирок этган яна бир спортчимиз Дмитрий Ким эса бронза медали билан тақдирланди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Қўғирчоқ созлар

Фарзандларимиз гўдаклик чоғида нодонашароитдан қалтармак, данасалмадан меҳнатсеварлик, билимсизликдан доғулловчи устун эканлигини эртақлардаги ҳақрамонлар орқали идрок этидилар.

Худди ана шундай “Камолот” ЁИХ Қосон тумани кенгаши қоғидаги “Тасвирий ва амалий санъат” тўғаридаги санъатсевар болаларга сабоқ бераётган Надежда опа эртақлардан олган таассуротларини мўйқалам ёрдамида жонлантиришга ҳаракат қилади. Тўғрақ аъзолари рангли қоғоздан ва сомондан аппликациялар ясашни, тошқоғоз усулида қутича, қўғирчоқлар, турли ҳайвонлар, мева шакллари ясашни, лой ҳамда гипсдан ҳайқалчалар яратишни ўрганишмоқдалар. Халқимизда ўз қасбининг усталарига “қўли гул” деган таъриб берилади. Бу таърибга ҳақли равишда Надежда Икромова ҳам муносиб. Чўки опа яратган ҳар бир асарда акс этган миллийлик, нафислик астойдил қилинган меҳнатнинг самарасидир. Қарийб чорак асрдан буён ижод қилиб, ёшларга сабоқ бераётган Надежда опа яратган асарлар кўпчилигининг эътибори ва меҳрини қозониб келмоқда.

Тандирдан эндигина иссиқ нон узиб, жилмайиб турган атлас қўйлақли аёл, қўлида палов тўла лагани кўтариб одамларни чойхонага қорлаётган чол, хиром айлаб рақс тўшаётган раққоса, дутор чалаётган, қўлида китоб тутган аёллар — буларнинг барчаси оддий лойдан ясалиб, бўёқлар ёрдамида лаланган жажжи ҳайқалчалар. Тошқоғоз усулида ясалган бежирим қирқ қокли қўғирчоқларда ўзбек халқининг миллий руҳи акс этган. Албатта, бугунги барқамол авлодди вояга етказишда бундай тўғрақлар фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Чўки болалар дарсдан бўш вақтини ҳавога соғурмасдан, қасбухона ўрганиши, санъатни идрок этиш билан ўтказиши.

Президентимиз Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асариде ёшларнинг маънавий оламини бойитиш, уларнинг зарарли гоғардан йироқ бўлишида боғлиғидаги ўйнайдиغان қўғирчоқ ва ўйинчоқларнинг аҳамияти катта эканлиги, бугунги ўзбек болалари асосан, хорижий давлатларда чи-



қарилган ўйинчоқларни ўйнаётгани халқ амалий санъатининг қўғирчоқсозлик турини ривожлантириш, ясаладиган қўғирчоқларда тарихимизда ўчмас из қолдирган миллий ҳақрамонларимизни акс эттириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган. Надежда опа тайёрлаган қўғирчоқ ва ўйинчоқларни тумандаги мактабгача таълим муассасаларида тарбияланган болалар севиб ўйнашади. Шогирдлари эса турли танловларда ва кўргазмаларда ўзлари яратган ижодий ишлари билан қатнашиб келмоқда. Холиса Абдуллаева, Юлдуз Жумаева, Руслан Боймуродов сингари қўғирчоқларнинг муваффақияти устозга бир олам завқ бағишлагиди. Қосоннинг одамлари азалдан ҳунарманд. Бу заминда ўсиб-ўлғайиб бораётган ёш авлод вақиллари қалбида ҳам халқ амалий санъати турларига қизиқиш, ўрганишга интилиш катта.

Жобир ИСМАТУЛЛАЕВ

Тошкент йил 1-кўчнинг 3-ўрта таълим мактаби томонидан 2008 йили Иброҳимовлар Аниқдор Қўғирчоқчилик номига берилган У № 2125034 рақами шартномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

Тошкент ш. С.Раҳимов т. хромияти томонидан рўйхатга олинган “ABUNDANT BUSINESS” хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли “ABUNDANT BUSINESS” МЧКга ўзгартирилиши маълум қилади.

Тошкент ш. С.Раҳимов т. хромияти томонидан рўйхатга олинган “FLEASH BEK” хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли “FLEASH BEK” МЧКга айлантирилиши ва Устав фонди 20 000 000 сўмдан 12 000 000 сўмга камайтирилиши маълум қилади.

Тошкент ш. Шайхонқор т. Қўрғонка к. Школий бек кўчаси 5-ўйда яшовчи Адилова Хайратна тегилиши бўлган Шайхонқор т. қадимий жамиятдан берилган уй қосови ва 1997 йил 26 кимбардаги № 1394/11 рақами хиром қарори йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

Тасночиқларнинг умумий йиғилиши байномон қарорига кўра “НИКТА SBS” МЧКнинг Устав фонди 49 296 890 сўмдан 35 839 655 сўмга камайтирилганлиги маълум қилади. Ўзгартирилган қўйидаги маъно бўйича қўйида қилинди. Тошкент ш. Мировот т. Норғужан к. 164-й.

ООО “NASTYONA-SLASTYONA” (ИНН 300999584) Утенинскино р-ни г.Ташкентта собошвет об экименини номнаовани. Новое: “IZZA-OBOD” Наме права и обявзательства ООО “NASTYONA-SLASTYONA” переходят к ООО “IZZA-OBOD”. Тел.: 336-05-56.

Тошкент Молия институти қоғидаги молия академик лицейи томонидан 02.07.2007 й.да Мирзайдов Жақуржон Аслидинович номига берилган № 038338 рақами диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

Тошкент ш. Сергели т.даги 301-мактаб томонидан 1993 й. Хамитова Гулнеҳра Турғуновна номига берилган ВU № 051510 рақами 9-синфни тугатмак ҳовузига шартномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

Тошкент ш. Бектемир т. доғидаги ҳуқуқдаги ТҚУ инспекцияси томонидан 2005 йил 13 декабрда 000277-02-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган “NUR JASUR” хусусий корхонаси (ИНН 205899977) тугатилди. Даволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида Тошкент ш. Бектемир т. Х.Остона к. 2-ўйда қабул қилинди.

Тошкент ш. Бектемир т. доғидаги ҳуқуқдаги ТҚУ инспекцияси томонидан 2006 йил 30 мартда 000312-02-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган “LANIZ” МЧК (ИНН 202949584) тугатилди. Даволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида Тошкент ш. Бектемир т. Ж.Остона к. 2-ўйда қабул қилинди.

ООО “DON-NON”, зарегириро-вавий М.Улуғбексов р-ни г.Ташкентта ликвидиретса. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент ул.Гёте 50. Тел.: 790-86-96.

“EURO ASIA ALLIANCE” ЕАХ ҚҚга тегилиши бурчак штамли йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

SYNGENTA воситалари ҳосилингишни сақлаш гаровидир

VERTIMEC Polytrin Ka Maxim FUSILADE FORTE Topik Topas Solito Ураган PEAK Dividend ALTOsuper KIRAT Gesagard ENGEOL ACTELLIC CRUISER

Махсус дўхон, мўлжал «Лимонарий» «Suncept Agro Ag» компаниясининг Ўзбекистонда расийи дистрибутори, «ROSITA» МЧК 100000, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Х. Олимжон майдони «Пойтахт» бизнес комплекси Тел.: (+998 97) 111-23-74, (+998 90) 975-44-04 (+998 71) 140-70-77 E-mail: rosita@gmail.com

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ: Зафар РЎЗИЕВ, Фарҳад ОМОНОВ, Эрон ҚУДРАТОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Фулқомон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидмам САНЖАЛОЛОВ, Ваҳиди АБДУҚОДИРОВ, Илхом ХАЙДАРОВ, Наринон УМАРОВ, Абдураҳман БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУВ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Абдибек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНОВЕВ, Зийеуддин ОБИДОВ, Хасанжон УМАРХЎЖАЕВ.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Агитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОКОВ, Уткир РАХМАТ, Қомилжон МАМАЖОНОВ, Жуманайра ЖАББОРОВ, Хабиб ТЕЙМОРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам КОСИМОВ, Омокулла ЮНУСОВ, Шеразд ГуЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона — 236-58-83, Котибонат — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Иқтисодий-ишчи ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Манъавийат ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қораканлиқонист Республикаси — 352-54-58; Андижон — 224-99-13; Бухоро — 593-27-57; Жиззах — 366-61-15; Наманган — 224-69-06; Самарқанд — 222-29-97; Сирдарё — 588-06-89; Тошкент — 100-29-81; Хоразм — 520-69-14; Қашқадарё — 221-69-40; Сурхондарё — 392-50-42.

Реклама ва эълонлар: 236-58-83, 233-28-04.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: А.ҚУЛМУРОДОВ

Мусаххач: С.КОДИРОВ

Дизайнер: Ю.МУСАЛЛОВСКИЙ

Э-майл: info@qishloqhayoti.uz